## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

***Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг муҳим босқичи — Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.***

***Бу босқич — номзодларга ўз шахси, дунёқараши ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён этиш имконини беради. Шунингдек, уларга сайловчиларни ўз дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси ва келгуси режалари билан таништиришга шароит яратади. Муҳими, бу жараён сайловчиларни ўз номзодларига овоз беришларига ишонтира олишлари учун ҳал қилувчи босқичдир.***

# СИЁСИЙ СИНОВДА МУҲИМ ПАЛЛА

Зеро, барча демократик давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Президент, парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар жараёнларида сайловолди ташвиқотига ана шундай жиддий сиёсий аҳамият берилади. Бугунги сайловолди ташвиқоти номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар ҳамда ташаббускор гуруҳлар учун давлат ҳокимиятини шакллантириш йўлидаги ўзига хос сиёсий майдон, ўзига хос синов ва имтиҳондир.

Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилигининг муҳим томони шундаки, у хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигидан афзал жиҳатларга эга бўлиб, барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масъулияти мустақил орган — Марказий сайлов комиссияси зиммасига юкланган. Буюк Британия, Италия, Франция каби давлатларда эса бу вазифа Ички ишлар вазирлиги, Миср, Покистон, Руминияда суд органлари томонидан амалга оширилади. Бу ҳол сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқидан фойдаланишларига бир қадар халал бериши мумкин... Шу нуқтаи назардан, бизда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларидан иборат Конституциявий тамойил мамлакат сайлов тизимининг асосини ташкил этади. Унинг ижросини мустақил орган сифатида Марказий сайлов комиссияси таъминлаб боради. Яъники, ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиш ёки этмасликни ёхуд кимга овоз бериш ёки бермасликни ўз хоҳишига кўра эркин ҳал қилади. Баъзи хорижий мамлакатларда, масалан, Бельгияда сайловларда қатнашиш мажбурий бўлиб, қатнашмаганлик учун жавобгарлик (сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш чоралари) белгиланган.

Яна бир қатор давлатларда сайловлар кўп поғонали бўлиб, улар билвосита (бевосита эмас!) амалга оширилади. Сайловчилар Президентни эмас, балки давлат раҳбарини сайлаш ҳуқуқи бериладиган шахсларни сайлайди. Мисол учун, Туркияда давлат раҳбарини мамлакат парламенти сайлайди. Бизда эса, Конституциявий тамойиллар ва сайлов қонунчилигига кўра, сайловлар умумий бўлиб, сайловчилар Президентликка номзод учун ўз хоҳиш-иродаси билан, тўғридан-тўғри, эркин овоз берадилар.

Бу борада Конституция ва сайлов қонунчилиги номзодларга ҳам сиёсий курашнинг адолатли, холисона ва ошкора олиб борилишида тенг имконият яратиб беради. Бошқача айтганда, демократиянинг муҳим тамойилларидан бири — сиёсий плюрализм (фикрлар эркинлиги ва хилма-хиллиги асосида соғлом рақобат)нинг таъминланишини кафолатлайди.

Мамлакатимизда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 1994 йилда қабул қилинган. Бундай қонун Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинишининг ўзиёқ алоҳида эътиборга молик. Зотан, юқорида зикр этилган қиёсларимизнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг нафақат умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мослигини, балки унинг афзалликлари ва халқчиллигини ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Қолаверса, сайлов қонунчилигимизга оид «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги каби қонунларда ҳам сайловолди ташвиқотининг қоида ва талаблари изчил мустаҳкамланган бўлиб, унинг тенг, адолатли, очиқ ва ошкора мезонлар асосида олиб борилиши тўла таъминланишига алоҳида аҳамият қаратилган.

Мана, эътибор беринг, Ўзбекистонда сайловолди ташвиқоти юритиш даврида номзодларга, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини юритиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароит яратилади, тенг эфир вақти берилади. АҚШ, Польша ва бошқа бир қатор давлатларда эса сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун давлат маблағи ажратиш белгиланмаган. Греция, Исроил, Швейцария сингари мамлакатларда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда эфир вақти сиёсий партияларнинг парламентда тутган ўрни ва ижтимоий фаоллигига қараб белгиланган. Масалан, кичикроқ партияларга сайловолди ташвиқоти олиб боришда телерадио эфиридан камроқ вақт ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Номзодлар сайловчилар олдида ўзларининг келгуси фаолиятлари дастурлари, платформаларининг асосий йўналишлари ва қарашлари билан чиқиш ҳуқуқини амалда қўлламоқдалар. Уларнинг дастурлари, платформалари, қарашлари турлича бўлиши табиий, аммо ҳаммасининг мақсади битта, яъни мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигидир!

**Собир ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.**




### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

# БУРЧ — ВАТАНГА ДАХЛДОР ТУЙҒУ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мизнинг тарихий, маданий ва маънавий бойликларини, маданий ёдгорликларини эҳтиёт қилиш ва сақлаш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Мустақиллик йилларида тарихий-маданий ёдгорликларимизни ишончли муҳофаза этишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Алоҳида корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида"ги қарори, "Моддий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Моддий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Архивлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларининг тегишли моддалари, бошқа норматив ҳужжатлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш нафақат тегишли қонун-қоидаларга риоя қилиш, балки ҳар биримизнинг муқаддас инсоний фуқаролик бурчимиздир.

**Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.**
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддаси).

Яқин ўтмишда аҳоли эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан табиий бойликлардан тобора кўпроқ фойдалана бориб, атроф-муҳитнинг бузилиши, экология мақонининг ўзгариб кетиши, одамлар истиқомат қиладиган жойлар ҳаёт учун хавфли фалокат минтақаларига айланиб кетишига олиб келди. Шу тариқа, минг йилликлар мобайнида табиат, инсон ва ишлаб чиқариш ўртасида таркиб топган мувозанат барҳам топганди.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар учун асосий ҳуқуқий манба саналади. Хусусан, Конституциямизнинг 50-моддасида: "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган. Қолаверса, мустақиллик йилларида республикамизда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, Ҳаво кодекси, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, Ер кодекси, "Ўрмон тўғрисида"ги қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар фуқароларга табиатни муҳофаза қилиш борасидаги конституциявий бурчларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Фуқароларнинг конституциявий бурчларидан яна бири уларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбуриятларидир (51-модда). Таъкидлаш жоизки, солиқлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида белгиланади. Солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Давлат солиқлардан ўзининг мудофаа қобилиятини, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иқтисод, маориф, фан, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мақсадли йўналтирилган, комплекс ижтимоий дастурларни бажариш учун сарфлайди.

Конституциянинг 52-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг қудратини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўриши лозим. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, давлат мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунида белгиланганидек, мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг Конституциявий бурчидир. Шунингдек, мазкур конституциявий бурчни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги қонунлари ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Қуролли кучлари ва бошқа қўшинлари фуқароларни умумий ҳарбий мажбурият асосида ҳарбий хизматга чақириш ҳамда фуқароларнинг битимга асосан ҳарбий хизматга кириши орқали тўлдирилади. Тинчлик вақтида саломатлиги ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Хулоса қилганда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди, деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Конституциямиз илгари сурган бурч ғояси замирида, аслида, мана шу вазифа ётади.

**Б. МИРЗАРАИМОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

**Яхши хабарлар**

### Янги йилга зилол сув

***Навоий вилояти сув-оқова ишлаб чиқариш бошқармаси буюртмасига биноан, Нурота шаҳрининг янгидан бунёд этилган «Работўлғон», Ғафур Ғулом, «Миришкор» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 14 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.***

Бунинг учун ҳар бири 250 куб метрлик иккита сув ҳавзаси қурилиши жадал олиб борилмоқда.

460 миллион сўмлик лойиҳа ишларини бош пудратчи — Аҳолини якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминлаш Нурота тумани бўлими бажараётир. Барча ишлар янги йил арафасида ниҳоясига етади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Халқаро мукофотга сазовор ёшлар

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимида Жиззах политехника институти талабалари Қ. Нарзиқулов ва В. Цхега тантанали равишда халқаро танлов мукофотлари топширилди.***

Бу талабалар "Кифи", "Самсунг — кенг имкониятлар" қўшма корхоналари ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида эълон қилинган танловда ғолиб бўлишди. Энди уларга махсус грант ҳамда бир йиллик таълим шартнома тўловлари — 1,2 миллион сўм берилади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРГАЗМАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

до ярмаркаси ўтган йили маҳсулот туридан келиб чиққан ҳолда саккиз жойда ўтказилган бўлса, жорий йилда истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида уч жойда ташкил этилди. Қолаверса, иштирокчилар сони анча ортиб, 165 тага етди. Бунда корхоналарга савдо майдони бепул берилгани муҳим омил бўлди.

Ярмарканинг дастлабки куни томонлар ўртасида ўзаро келишувларга бой тарзда кечиб, кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Айниқса, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси маҳсулотларига ажратилган бурчак истеъмолчилар билан гавжум бўлди. Чунки уюшма тизимидаги "Ўзсаламан", "Кофра", "Нафис", "Ал-Азиз", "Нақшбандий", "Пойабзалчи" каби 20 дан ортиқ корхона 300 га яқин турдаги маҳсулотларини савдога қўйган. Жумладан, оёқ кийимларининг 250 хилидан бор. Харидорлар билан мулоқотдан бўшамаётган уюшманинг ишлаб чиқариш ва савдо бошқармаси бошлиғи Адҳамбек Ўлмасовни суҳбатга тортамиз:

— Қанча ҳажмда шартнома туздингизлар?

— Кўриб турибсиз, маҳсулотларимизга талаб ниҳоятда катта, — деди у. — Ҳали умумлаштиришга улгурмадик-куя, аммо мўлжалимиз юқори — ярмарка давомида саккиз миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб бериш бўйича шартнома имзолаш. Бундан ташқари, яна шунча сўмлик хом ашё етказиб бериш ниятимиз бор.

"Ўзкимёсаноат" компанияси билан "Газмол" республика ихтисослаштирилган улгуржи база идораси ўртасида шартнома имзолаш жараёни устидан чиқдик. Томонлар қисқа суҳбатдан сўнг 150 миллион сўмлик ўғит хариди бўйича келишувга эришдилар.

Бу савдонинг бошланиши экан. Чунки "Ўзкимёсаноат" компанияси мутахассисларининг сўзларига кўра, ярмарка асносида 100 миллиард сўмлик маҳсулот сотиш кўзда тутилган. Улар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларни бирма-бир кўздан кечирамиз. Бу ерда асосий маҳсулот — минерал ўғитлардан тортиб, компания таркибидаги корхоналарнинг турфа хил халқ истеъмоли товарлари, турли ўлчамдаги пластмасса қувурлар, ўсимлик зараркунандаларига қарши воситалар мавжуд Шу ўринда таъкидлаш керакки, аҳоли талаб ва истаклари инобатга олиниб, эндиликда 0,5,-3 килограммли қопчаларга қадоқланган ўғитлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Республика улгуржи-савдо ярмаркасида ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилаётган гўшт ва сут, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, маиший-хўжалик молларининг улгуржи савдоси бўйича ҳам кўплаб шартномалар имзоланмоқда. Иштирокчилардаги бундай ишчан кайфиятни кўриб, ярмарка олдига қўйилган вазифа тўла бажарилаётганига амин бўлдик. Демак, келгуси йили бозорларимиз юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга янада тўлиб-тошиб, халқ фаровонлиги юксалади.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** улгуржи-савдо ярмаркаси фаолиятидан лавҳа.
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# АДОЛАТЛИ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўжалигимиз тасарруфида 473 гектар суғориладиган ер, салкам 6 минг гектар яйлов мавжуд. Техникадан муаммомиз йўқ. Фаолиятимиз учун зарур техника воситаларини олганмиз. Бу йилги ўрим-йиғим мавсумида "Клаас" русумидаги ғалла ўриш комбайнини келтирдик. Иш бошлаган кезларимизда техника сўраб бировларга ялинган бўлсак, эндиликда ўзимиздан ортиб бошқа фермерлар ҳожатини ҳам чиқаряпмиз. Бунга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Буларнинг бари мамлакатимизда мулкдорларга яратиб берилган шарт-шароитнинг шарофатидир. Хизмат кўрсатиш, таъминот корхоналари энг яқин кўмакчимизга айланган. Натижада ишимизда ривож, топганимизда барака бўлаётир. Мақтанчоқликка йўйманг-ку, йилига 100 миллион сўмдан ортиқ даромад кўряпмиз. Бу хўжалигимиз фаолиятини кенгайтиришни, тақдирини ер билан боғлаган 200 нафар аъзоси бор аҳил жамоамиз рўзғорининг тўкинлигини таъминламоқда.

Чорва ҳамда парранда учун озуқани ўзимиз етиштирамиз. Гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи учта замонавий цехимиз ишлаб турибди. Бу мустақил мамлакатимизда яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос — адолатли қонунчилигимиз мевасидир.

**Шунқор УМРЗОҚОВ,**
**Оҳангарон туманидаги "Сарвар Азиз Умарзода рамзи" фермер хўжалиги раҳбари.**

# ФРАНЦИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ҚИЗИҚИШМОҚДА

***Париж шаҳридан унча узоқ бўлмаган Эссон минтақаси Франциянинг энг жадал ривожланаётган иқтисодий ва бизнес марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда "Renault", "Carrefour", "Motorola", "Alcatel", "Danone" каби жаҳонга машҳур корпорацияларнинг бош қароргоҳлари ва тадқиқот марказлари жойлашган. Сўнгги йилларда Эссон кўплаб халқаро ва миллий бизнес форумлари ўтказиладиган анъанавий масканга айланиб бораётгани бежиз эмас.***

**Дунё нигоҳи**

Эссон минтақаси савдо-саноат палатасининг ташаббуси билан Эври шаҳрида кичик ва ўрта бизнес корхоналари экспорт салоҳиятининг тараққиётига бағишланган халқаро бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир ишида йирик корхоналар раҳбарлари, банк ва суғурта компаниялари вакиллари, экспорт соҳасининг кўзга кўринган экспертлари, шунингдек, турли тармоқларнинг тўрт юздан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхоналари иштирок этди.

Анжумандан кўзланган асосий мақсад, Франциянинг кичик ва ўрта бизнес компанияларига сармояларни жойлаштириш учун қизиқиш уйғотувчи янги халқаро бозорларни ўзлаштиришга ҳамда иш муҳити, иқтисодий инфратузилма ва мамлакат хом ашё бозорини ўрганишга кўмаклашишдир.

Тадбир доирасида қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари тақдимоти ўтказилган замонавий технологиялар бўйича конференция ташкил этилди.

Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича собиқ маслаҳатчиси, айни пайтда ушбу мамлакатнинг транспорт вазирлиги масъул ходими Франсуа Марк Ўзбекистоннинг сармоявий муҳити ҳақида маъруза қилди.

Ф. Маркнинг таъкидлашича, "республикадаги уч йиллик иш тажрибаси унга Ўзбекистон бозори европалик шериклар учун катта қизиқиш уйғотаётгани ҳақида гапиришга имкон беради. Республикада Европанинг, хусусан, Франция, Германия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг кўплаб йирик компаниялари муваффақиятли иш олиб бораётгани бунинг далилидир. Мамлакат ҳеч қандай ташқи қарзга эга эмас ва ўзининг барча халқаро мажбуриятларини тўла-тўкис адо этмоқда".

Франциялик экспертнинг фикрича, "Ўзбекистон нафақат ўзининг бой табиий захиралари ва кенг истеъмол бозори билан, балки улкан ақлий салоҳияти ва аҳолининг маълумотлилик даражаси юқори эканлиги билан ҳам ўзига жалб этади. Ўзбекистоннинг кўплаб фуқаролари француз тилини ўрганишмоқда, Франция маданияти ва замонавий ҳаётига қизиқишмоқда".

У Франция компанияларини Ўзбекистоннинг очиқ сармоявий бозорларидан, шунингдек, мамлакат ҳукумати хорижий компанияларнинг фаолияти учун тақдим этаётган имтиёз ва қулай шарт-шароитлардан фойдаланишга чақирди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва эришилаётган ютуқлар, мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида республика раҳбарияти қабул қилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар. Франциянинг манфаатдор корхоналари вакилларига ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишнинг амалий жиҳатлари бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Эссон савдо-саноат палатаси бош котиби Филипп Лавиай қайд этганидек, мазкур анжуман ташкилотчилари, аввало, нисбатан янги ва жадал ривожланиб келаётган Франция экспорт компаниялари учун хориждаги жозибали сармоявий имкониятлар ҳақида тушунча ва маълумотлар бериш мақсадини кўзлаганлар. Шу маънода, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдимоти республикада олиб борилаётган муҳим қайта ўзгаришлар билан танишишга имкон бериб, ғоятда фойдали бўлди.

Франциянинг "ECTI" ассоциацияси вакили Жак Ханнормо Ўзбекистонда икки маротаба бўлганини ва шу сабабли республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ҳамда сармоявий имкониятлари ҳақида яхши тасаввурга эга эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти аввалида қатор иқтисодий муаммолар билан тўқнаш келди, аммо олиб борилган оқилона давлат сиёсати туфайли уларни енгиб ўтишга муваффақ бўлди, — деди у. — Бугун республика барқарор ривожланмоқдаки, бу кўплаб хорижий компаниялар томонидан қизиқишнинг ўсиб бораётганига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорликни ривожлантиришга интилаяпмиз. Мазкур анжуманда танловимиз тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**Мардон ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Париж

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Элчи чиқариб юборилди

**Эрон ҳукумати Канада элчисини мамлакатдан чиқариб юборди.** Бунга Канада томони Эрон юборган элчиларни қабул қилмагани сабаб бўлди. «AFP» тарқатган хабарда айтилишича, Канада ташқи ишлар вазири Максим Бернье элчининг чиқариб юборилиши муаммони ечиш йўли эмаслигини таъкидлаган.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар бундан тўрт йил бурун Эронда канадалик журналист Захра Казими ўлдирилгандан сўнг бузилган эди.

## Иқрор бўлишди



**Америкалик ҳарбийлар Бағдод яқинидаги «Camp Cropper» қамоқхонасида 950 нафар ўсмир ва болаларни ушлаб турганини тан олди.** АҚШ ҳарбий полицияси генерали Майкл Невиннинг таъкидлашича, бу ёшлар Ироқ ва коалицион кучлар хавфсизлигига таҳдид қилишда айбланиб, ҳибсга олинган. Ҳарбийлар уларнинг кўпчилиги 15-17 ёшли ўсмирлар эканлигини айтишди. Қамоқдагилар орасида 10 ёшли болалар ҳам бор.

Маълумотларга қараганда, америкалик ҳарбийлар томонидан Ироқдаги қамоқхоналарда 26 минг нафар ироқлик ушлаб турилибди.

## Индонезияда ер силкинди

**Кеча Индонезияда кучли зилзила рўй берди.** «Reuters» хабарида айтилишича, ер силкиниши маркази Сулавези оролининг шимоли-шарқида, 35 километр сув тагида жойлашган. У ерда зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6 баллни ташкил этган. Ер силкиниши Битунге, Манадо ва Тернате шаҳарларида ҳам қайд этилди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

## Қалин қор ёғди



**АҚШда қалин қор ёғди. Айрим штатларда унинг қалинлиги 30 сантиметрдан бир метргача етди.** Натижада мамлакатнинг Нью-Йорк, Мэн, Нью-Гэмпшир, Вермонт, Массачусетс ва Коннектикут штатларида мактаблар ёпилди. Қор билан бирга кучли шамол эсгани туфайли, йўллар муз билан қопланган. Хабарларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида бир кунда 17 нафар одам ҳалок бўлган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

IPOTEKA BANK

***Республикамизнинг иқтисодий тараққиётида банк секторининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки банк тизими ва молиявий институтлар фаолиятини такомиллаштирмасдан туриб мамлакатнинг янада равнақ топиши мумкин эмас. Бунда, табиийки, мижозлар билан банк ўртасида ҳамкорлик, айниқса корпоратив мижозлар билан муносабатлар жуда муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, банк тизимини янада ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари муҳим омил бўлмоқда.***

# БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАРИ

Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, яқинда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси саноат корхоналарининг иқтисодий ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Чунки Фармонда саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, пировардида валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни кооперация биржаси доирасида харид қилиш тендерлар ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

Янги корпоратив мижозларни жалб этиш мақсадида «Ипотекабанк» ҳам ана шу ярмарка ва кооперация биржасида иштирок этди ва саноат корхоналарини қизиқтирган барча банк хизматларига доир масалаларни ёритиб берди.

Бугунги кунда банк хизматидан фойдаланувчи корпоратив мижозлар, яъни корхона ва ташкилотлар сони 59 мингтадан ортди. Сабаби, кейинги йилларда банк корпоратив мижозлар билан муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш тамойили ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда структураланган банк маҳсулотларини таклиф этишдан иборатдир. Шу боис халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи корпоратив ташкилотлар банк билан ҳамкорлик қилишдан мамнунлигини билдирмоқдалар.

Банкда, хусусан, «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ, «Ўзметкомбинат» ИЧБ, «Саноатқалинқоғозсавдо» ҚК, «Совпластитал» ОАЖ, «Сино» ОАЖ, «Тошкент лок-бўёқ заводи» ОАЖ, «Лок колор синтез» ОАЖ, «Тошшаҳарнур» ДУК, «Сувсоз» ДУК, «МДС Сервис» ҚК, «Тошкент иссиқлик қуввати» ИЧБ, «Нерудник» ОАЖ, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ, «Махсустранс» ИЧБ каби йирик корхоналарга хизмат кўрсатиб, улар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. У бу корхоналарнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида турли хилдаги банк хизматлари билан бирга, чет эл ва миллий валютада кредит маблағлари ажратмоқда. Корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар салмоғи банк кредит портфелининг 40 фоизини ташкил этгани шундан далолат беради.

**«Ипотекабанк» тизимида корпоратив мижозлар сонининг ўсиши**




**2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, «Ипотекабанк»нинг кредит портфели жами 243,1 млрд. сўмни ташкил этиб, уни тармоқлар бўйича таснифлаганда, қуйидагиларни кўришимиз мумкин.**




Ушбу ажратилган кредит маблағларининг корхоналар томонидан ўзлаштирилиши республикамизда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳолига маиший-тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада кенгайишига катта ҳисса қўшмоқда. Мисол учун, «Лок колор синтез» қўшма корхонасига банк томонидан жорий йилда хом ашё сотиб олиш учун катта миқдорда кредит маблағи ажратилган эди. Натижада корхонанинг 9 ой мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 марта ошди. Бу республикамиз аҳолисини сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи лок-бўёқ ва халқ истеъмоли маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берди.

Бундан ташқари, банк томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳам кўплаб корхоналарга, жумладан, «Sino» ОАЖ, «Совпластитал» ОАЖ, «Пет Пласт» ХФ, «Silver silk company» ҚК, «Sun valley juice» ҚК ва бошқаларга жами 30 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, ана шу маблағ ҳисобига уларда эндиликда рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Ипотека» банки «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу жамоа мижозларнинг ишончини оқлаш учун бундан буён ҳам кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигига, қулайлигига ва ишончлилигига катта эътибор бераверади, шу билан бирга, республикамизнинг етакчи корхоналари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида бор имкониятини ишга солаверади.

**Шавкат ЗИЁЕВ.**

*Азиз ҳамюртлар!*

Шу гўзал айём кунлари
АТ «Пахта банк»
сизларни давлатимиз
Конституцияси
қабул қилинган
кун билан чин
дилдан табриклайди!

Сизга даромадли
ва юқори ликвидли банк
акцияларини харид қилишни
таклиф этади!

*Бизнинг акцияларимиз ёрдамида кафолатли ва барқарор келажагингизнинг қонуний эгаси бўлишингиз мумкин!*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

ЖИЛЫЕ ВАГОНЧИКИ SOLAR MASTER

www.solar-ct.com

- **автономность** (незаменимы в отдаленных и труднодоступных местах)
- **мобильность** (легкость транспортировки и монтажа)
- **функциональность** (жилые, кухни, офисы, санитарно-гигиенические+индивидуальная внутренняя планировка)
- **комфорт** (теплоизоляция, безопасность)

ПРИМЕНЕНИЕ СОЛНЕЧНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ для получения электричества, освещения и горячей воды от энергии Солнца

Тел./факс: (99871) 254-77-19
E-mail: solarmaster_uzb@yahoo.com
Товар сертифицирован

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

«ҲИМОЯ» ҲАКАМЛИК СУДИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

HIMOYA

- НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАКАМНИ САЙЛАШ
- НИЗОЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА КЎРИБ ЧИҚИШ
- КАМАЙТИРИЛГАН СУД ХАРАЖАТЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72
БУХОРО: (365) 223-68-85, (365) 223-63-72.
НАВОИЙ: (590) 730-99-80, (436) 227-83-44.

WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-SUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU



Drive your way

Тел.: 250-11-11,
250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner
www.hyundai-motor.com

2007 йил — Ижтимоий химоя йили

## ҲАМ ҒАМХЎР, ҲАМ МАДАДКОР

**Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти (КОЖ)нинг Тошкент шаҳар бошқаруви ҳамда Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.**

— Сафимизда уч минг нафарга яқин кўзи ожиз киши бор, — дейди Ўзбекистон КОЖнинг Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Абдуқаюм Абдунабиев. — Уларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун жамиятимиз қошида кўплаб ўқув ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги тадбирда ана шундай фаол корхоналар раҳбарлари, жамиятнинг туман ташкилотлари вакиллари фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланишди.

— "Щётка" ўқув-ишлаб чиқариш корхонамиз пахтани қайта ишлаш заводлари билан шартнома асосида ишлайди, — дейди корхона директори Ҳусанбой Ғиёсов. — Бу борада бизга "Ўзпахтасаноат" уюшмаси яқиндан кўмак бермоқда. Шунинг учун ҳам илгари банкротга учраган корхона бугунги кунда моддий жиҳатдан анча ўзини тиклаб олди. Кўзи ожизларни иш билан таъминлаш, ходимларга ўз вақтида иш ҳақи бериш, йиллик даромад борасида яхши натижаларга эришганимиз учун алоҳида эҳтиром билан тилга олиндик.

Тақдирлаш маросимидан сўнг байрам дастури таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар билан давом этди.

***Муборак ОХУНОВА,* «Халқ сўзи» мухбири.**

## МАҲАЛЛА ОБОД — ЭЛ ОБОД

**Самарқанд шаҳрида Мир Саид Барака номли маҳалла бор. Ободончилик, орасталик, коммунал тўловлар ва ижтимоий ҳимоя борасида у ўз тажриба мактабига эга.**

Айни пайтда маҳаллада 16 миллатга мансуб 2500 нафардан ортиқ аҳоли иноқ ва аҳил истиқомат қилмоқда. Бу ерда ўтказилаётган тўю маросимлар, байрамларнинг файзи ўзгача. Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларга ғамхўрлик кўрсатиш доимий эътиборда.

Шу йилнинг ўзида маҳалла ўз жамғармаси ҳисобидан кам таъминланган ва бошқа муҳтож оилаларга 46 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, аҳолининг газ ва электр таъминоти, сув ва канализация тўловларидаги қарзлари учун 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

— Бизда маҳалланинг умумишидан ҳеч ким ўзини четга олмайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суннат Кўбаев. — Биров маблағи, иккинчи киши ўз ҳиммати, яна кимдир маънавий-маърифий жабҳадаги иштироки билан маҳалладошларига ибрат бўлади. Энг асосийси, фуқароларимиз маҳалла ободлигини ўйлаётганлигидир.

***Абдурасул САТТОРОВ,* «Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт

# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ



Таэквондочиларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирлашди. Вьетнамда таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи йирик халқаро турнирда вакилларимиз учта йўлланма соҳибига айланишди.

Қитъанинг 32 мамлакатидан келган 200 нафарга яқин спортчи қатнашган нуфузли мусобақада юртдошларимиздан Акмал Эргашев, Евгения Каримова ва Дмитрий Ким ўз вазн тоифаларида 2008 йил Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритдилар. Кеча музаффар спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

— Таэквондонинг ВТФ йўналиши 2000 йилда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган, — дейди республика таэквондо ВТФ ассоциацияси раиси Аълам Муллаев. — Бу эса, ўз навбатида, ушбу спорт турига қизиқувчилар сонининг кескин ошишига олиб келди. Бугунги кунда дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатида таэквондо ВТФ федерациялари ташкил этилган. Мамлакатимизда ҳам ушбу спорт турини оммавийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Деярли барча вилоятларда бўлимлар очилган. Икки нафар ҳамюртимиз — Ирина Кайдашова ва Наталья Микрюкова Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишган эди. Биз Хитой Олимпиадасига йўлланмаларни янада кўпайтиришни мақсад қилиб қўйгандик. Шукрки, шогирдларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан уддалашди. Вьетнамга тўрт нафар спортчи билан жўнаб кетгандик. Уларнинг учтаси Олимпиада йўлланмасига сазовор бўлди. Фақат Ирина Кайдашовага бир оз омад етишмади. У чорак финалда рақибига имкониятни бой берди. Эндиги асосий мақсадимиз — Пекин Олимпиадасига тайёргарликни кучайтириб, мазкур мусобақада медаллар соҳиби бўлиш.

***Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,* «Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**


"INTEGRAL ASIA"
17" мониторли
Р4 компьютерлари
Тошкентдаги омбордан
595 000 сўмдан бошлаб
Пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Тошкент ш., «Фарғона йўли» к. 13/12,
тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.
Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integr-asia.com



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

кафедралар бўйича қуйидаги янги лавозимларга танлов эълон қилади:

| | |
|---|---|
| Кафедра мудири: | бастакорлик ва чолғулаштириш; мусиқий шарқшунослик; анъанавий ижрочилик; дамли чолғулар; халқ чолғулари; тиллар (доцент); академик хонандалик (доцент). |
| Профессор: | академик хонандалик (1); бастакорлик ва чолғулаштириш (1); мусиқий шарқшунослик (1). |
| Доцент: | анъанавий ижрочилик (3); халқ чолғулари (1); академик хонанда (1); тиллар (1); мусиқа назарияси (1). |
| Катта ўқитувчи: | оркестр дирижёрлиги (1); хор дирижёрлиги (1), мусиқа назарияси (2); эстрада ижрочилиги (1), тиллар (1); мусиқий педагогика (2); бастакорлик ва чолғулаштириш (1); дамли чолғулар (1); халқ чолғулари (1). |
| Ўқитувчи: | хор дирижёрлиги (1); махсус фортепьяно (1). |

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Б. Зокиров кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими. Телефонлар: 144-94-51, 144-95-09.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.



SUVMASH
www.suvmash.uz
TÜV CERT ISO 9001:2000
«SUVMASH» OAJ — SIZNING HAMKORINGIZ !
Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона қуйидагиларни тайёрлайди:
- ЭЦВ 6, 8, 10, 12 русумли, қудуққа мўлжалланган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- К русумли, тагликка ўрнатилган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари;
- Д русумли, икки ёқлама киришли, марказдан қочирма, ётиқ электр насос қурилмалари;
- А50ГО, А40ГЦ, А30ГЦ, СНП 500/10 кўчма насос станциялари;
- барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари;
- металл конструкциялар.
Корхонада шунингдек, насос қурилмалари ва қуввати 3000 кВт гача электр двигателлар капитал таъмирланади.
100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13-уй.
Tel.: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax: (998 71) 295-51-08, e-mail:office@suvmash.uz



Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:
ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН
замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.



Российский
Обои линолеум виниловые
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован



Организация
реализует со склада
в Ташкенте следующие
ШИНЫ
российского производства:

| Размер | Модель |
|---|---|
| 13,6-38 | Я-166 нс 6 |
| 15,5-38 | Ф-2АД нс8 |
| 9,00-16 | Я-324А нс10 |
| 28,1R26 | ФД-12М нс12 и 158 |
| 9,5-42 | Я-183 нс8 |
| 18,4/78-30 | Я-319 нс8 и 139 |
| 10.00R20 | И-281, У-4 нс 16 |
| 8,25 R20 | |

а также, любые другие модели под заказ.
Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.
E-mail: euroaz@mail.ru
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



Почта маркаларини тўпловчи ишқибозлар ва филателистлар диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги» почта маркаси ва шу билан бирга, почта махсус сўндириш хотира тамғаси ишлаб чиқарилди.
Ушбу почта маркасининг тақдимоти ва почта махсус сўндириш хотира тамғаси билан маркаларни махсус ҳисобдан чиқариш тадбири 2007 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да «Тошкент почтамти» биносида («Шаҳрисабз» кўчаси, 7-уй) ўтказилади.



ГИПСОКАРТОН
BRAUS
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
ТОЛЩИНА: 8; 9,5;12мм. РАЗМЕР: 1,2х2,5 м.
Тел.: 267-37-07, 339-14-00. Тел./факс 268-11-89
E-mail: brausboard@rambler.ru


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири ўринбосари Ибодулла Шоймардоновга отаси

**Элмирза бобо ШОЙМАРДОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХОАТБ «Алп Жамол Банк» Кенгаши ва жамоаси банк Кенгашининг раиси Н. Агзамовга падари бузруквори

**МИРМАЖИД отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси М. С. Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежининг директори

**Мирмажид Мухидович АБЗАЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси лаборатория мудири, кимё фанлари номзоди Сайфиддин Тожиевга укаси

**Шамсиддин ТОЖИЕВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;, Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
[t] -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6 7